

# **15-октябр - “Халқаро қишлоқ аёллари куни” мұносабати билан байрам тадбирлари бўлиб ўтди.**



Юртимиз бўйлаб 15- октабр “Халқаро қишлоқ аёллари куни” кенг нишонланмоқда. Сана мұносабати билан Қумқўрғон туманида меҳнаткаш аёллар учун байрам тадбири ташкил этилди.

Мазкур байрам тадбирини туман ҳокими А.Нормаматов очиб берди ва қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб келаётган хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Туманимизнинг оқ олтин хирмонини юксалишига ўз ҳиссасини қўшган меҳнаткаш теримчи ҳамда пиллакор ва хунарманд аёлларга туман ҳокимининг эсталик совғалари топширилди.

Маълумот учун, БМТ Бош Ассамблеясининг 2007-йил 18-декабрдаги “Қишлоқ ҳудудларида аёлларнинг аҳволини яхшилаш” түғрисидаги резолюсиясига асосан 15-октабр – “Халқаро қишлоқ аёллари куни” деб эълон қилинган.